

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВА МАВЖУДА КОМИЛЖОНОВНА**

**ЛАНДШАФТШУНОСЛИК ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА  
РИВОЖЛАНИШИ**

**11.00.01 – Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

УДК: 930.127. (575.1)

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on geographical sciences**

**Эргашева Мавжуда Комилжонова**

Ландшафтшунослик ва унинг Ўзбекистонда ривожланиши ..... 3

**Эргашева Мавжуда Комилжонова**

Ландшафтоведение и его развитие в Узбекистане ..... 19

**Ergasheva Mavjuda Komiljonovna**

Landscape science and its development in Uzbekistan ..... 35

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 39

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВА МАВЖУДА КОМИЛЖОНОВНА**

**ЛАНДШАФТШУНОСЛИК ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА  
РИВОЖЛАНИШИ**

**11.00.01 – Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида №В.2019.2.PhD/Gr93 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тошов Худойназар Рамазонович**  
география фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович**  
география фанлари доктори

**Ҳамидов Абдусамат Абдумаликович**  
география фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат университети**

Диссертация ҳимояси Шаров Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «24» сентябр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш. Муқимий кўчаси, 45 уй. Тел.: (95) 410-20-10, факс: (0366) 239-19-36; E-mail: [ik-geografiya2019@mail.ru](mailto:ik-geografiya2019@mail.ru). Самарқанд давлат университети, География ва экология факультети).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш. Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (0366) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).



**С.Б.Аббасов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

**Б.А.Мелиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.ф.д. (PhD)

**А.Абдулқосимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон аҳолисининг табиий ресурслар билан таъминлашда географик фанлар, шу жумладан ландшафтшунослик фани ютуқлари беқиёсдир. Бунинг асосий сабаби табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида атроф-муҳитга таъсирнинг тобора ортиши оқибатида турли техноген хавфлар ҳам кучаймоқда. Ушбу муаммоларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича дастурининг 4-мақсади “сифатли таълим” ҳамда 17-мақсади “барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик...” вазифалари ечимига йўналтирилган<sup>1</sup>. Мазкур вазифалар ичида фан тарихини ўрганиш алоҳида муаммо сифатида эътироф этилган ҳамда шу муаммо асносида ландшафтшунослик тарихини янгича ёндашувлар асосида даврлаштириш, ҳар бир даврда унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

Дунё миқёсида ландшафтшунослик фанининг рамзи (атрибути), объекти ва предмети, назария ва методологияси, тушунча ва тамойиллари, инсон яшайдиган ва ҳўжаликдаги фаолиятини олиб борадиган ҳудудларнинг табиий шароитини, табиий компонентлари орасидаги ўзаро алоқадорликларни, ўзаро таъсирларни шу жумладан, инсон фаолиятининг таъсирини баҳолаш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ландшафтшунослик фанининг бугунги ҳолатини баҳолаш ва келажакдаги ривожланишини башоратлаш учун ҳам унинг тарихини билишга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда ландшафтшунослик фани ҳамда унинг ривожланиш тарихини ўзида акс эттирувчи замонавий адабиётларни нашр эттириш бўйича кенг ислохотлар амалга оширилмоқда ҳамда бу борада сезиларли натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитасини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти лойиҳаси”<sup>2</sup> 80-мақсади “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, унда ландшафтшунослик фанига оид билимлар ўзига хос алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

<sup>1</sup> 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби // электрон доступ: <http://www.uz/undp/org/>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда Барқарор Ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ландшафтшунослик фанининг тарихи тўғрисидаги илмий маълумотлар хорижий олимлардан О.Пешель (1879), А.Геттнер (1905), Р.Джеймс (1972), Г.Хаазе (1973, 1981), Д.Г.Харвей (1974), Я.Демек (1977), рус олимларидан А.А.Григорьев (1930, 1948), Н.А.Солнцев (1948, 1962), И.М.Забелин (1949, 1959, 1978), В.Л.Котельников (1950), Ф.Н.Мильков (1959, 1967, 1986, 1990), С.В.Калесник (1961, 1972), Ю.К.Ефремов (1964, 1987), В.И.Прокаев (1973), Э.Нееф (1974), Ю.Г.Саушкин (1976, 1980), В.С.Преображенский (1972, 1981, 1986, 1988, 1997), А.Г.Исаченко (1976, 1982, 1991, 2004, 2006), З.В.Макаров (1977), Н.Г.Сухова (1981), А.Ю.Ретеюм (1985, 1997), И.И.Мамай (2008), К.Н.Дьяконов (2014), мамлакатимиз географ олимларидан В.М.Четыркин (1947), А.Абдулқосимов (1983, 2017), Р.У.Рахимбеков (1995), Ш.С.Зокиров (1999, 2011), С.Б.Аббасов (2002, 2017), Х.Ваҳобов (2006), Х.Р.Тошов (2013, 2016, 2021) ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий изланишларида ёритилган.

Ландшафтшунослик фанининг назарий-методологик масалалари МДХ мамлакатларида Н.А.Солнцев, Н.А.Гвоздецкий, В.А.Николаев, В.Б.Сочава, Ф.Н.Мильков, Б.Б.Полинов, Д.Л.Арманд, Ю.К.Ефремов, В.И.Прокаев, А.Г.Исаченко ва Ўзбекистонлик В.М.Четыркин, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.Абдулқосимов, Ш.С.Зокиров, Л.Алибеков, С.Б.Аббасов, Х.Ваҳобов, А.Раҳматуллаев, А.Н.Ниғматов, Ю.Султонов, И.Қ.Назаров, А.А.Ҳамидов, К.М.Боймирзаев, Х.Р.Тошов сингари олимларнинг илмий тадқиқотларида учрайди.

Аммо, ушбу тадқиқот ишларида ландшафтшунослик ва унинг мамлакатимизда ривожланиши билан боғлиқ хусусиятлар тадқиқ этилмаган, Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг ҳозирги ҳолати баҳоланмаган ҳамда ландшафтшуносликнинг ривожланиш йўналишлари бўйича чора-тадбирлар такомиллаштирилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети Табиий фанлар факультети Экология ва география кафедраси “География фани назарияси ва тарихи” илмий

тадқиқот ишлари режасининг ландшафтшунослик фани тарихини тадқиқ этиш мавзусидаги (2017-2022 йй) тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ландшафтшунослик ва унинг Ўзбекистонда ривожланиши, назарий ва методологик асосларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва шу асосда фаннинг ривожланиш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

Ўзбекистонда ландшафтшуносликнинг вужудга келиши, ривожланиши ва унинг босқичларини илмий ва амалий ўрганиш;

Ўзбекистонда ландшафтшуносликнинг назарий асослари – ландшафт таълимоти, ландшафтларни таснифлаш кабиларни таҳлил қилиш ва устувор тамойилларини белгилаб олиш;

Ўзбекистон ландшафтшунослигининг методологик асосларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва такомиллаштириш масалаларини ўрганиш, ўқув адабиётлари нашр эттириш;

Ўзбекистонда ландшафтшуносликнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ландшафтшунослик ва унинг Ўзбекистонда ривожланиши хусусиятларини тадқиқ этиш масалалари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ландшафтшунослик ва унинг Ўзбекистонда фан сифатида шаклланиши, ривожланиши ва йўналишлари ҳамда уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида тарихий-қиёсий таҳлил, манбалар билан ишлаш, географик таққослаш, географик қиёслаш, географик экстраполяция, географик умумлаштириш, статистика, географик баҳолаш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ландшафтшуносликни фан сифатида шаклланиши ва унинг методологик жиҳатлари замонавий қарашларни тизимлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ландшафтшунослик фани ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва унинг йўналишлари хронологик даврлаштирилган ҳамда баҳоланган;

Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг вужудга келиши ва ривожланишининг илмий жиҳатлари (концептуал ва хронологик) асосланган;

Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг муаммолари ва унинг истиқболлари бўйича илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ландшафтшунослик фаннинг назарий асослари бўлган ландшафт тушунчаси, ландшафт таълимоти немис ва рус ландшафтшунослиги илмий мактабларида яратилганлиги аниқланган;

Ўзбекистонда ландшафтшуносликни фан сифатида вужудга келишида ва ривожланишида дастлаб рус ландшафтшунослиги илмий мактаблари муҳим роль ўйнагани аниқланган ва уларнинг фаолияти баҳоланган;

Ўзбекистонда ландшафтшуносликнинг фан сифатида вужудга келиши ва ривожланиши илмий таҳлил қилинган ҳамда хронологик даврлаштирилган;

Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг муаммолари ва ривожланиш истикболлари бўйича илмий асосланган таклифлар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация иши жараёнида бажарилган тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси кутубхоналари системасидаги фонд маълумотларидан ҳамда интернет (Россия (Москва, Омск), Латвия (Рига), Қозоғистон (Алмати)) кутубхона материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни қайта ишлашда умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, тарихий, географик усуллари қўлланилганлиги, ишда эришилган натижаларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг хулосалари билан мосликлари ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган хулоса ва тавсияларнинг тегишли ташкилотлар томонидан маъқулланганлиги ҳамда ижобий баҳоланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг ҳозирги ҳолатини баҳолашда, ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда, ландшафт таълимоти асосида табиий ва маданий ландшафтларни оқилона ташкил этиш гоёсини ривожлантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишда қўлланилган услубий ёндашувлар ва диссертация материалларининг республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида табиий география, ландшафтшунослик каби фанларини ўқитиш сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ландшафтшуносликнинг фан сифатида шаклланиши ва унинг йўналишларини илмий таҳлил қилиниши ҳамда фаннинг назарий ва амалий аҳамиятини баҳолаш юзасидан олинган натижалар асосида:

ландшафтшуносликни фан сифатида шаклланиши ва унинг методологик асосига оид олинган илмий натижалар “Ландшафтшунослик (буюк сиймолар)” номли ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи билан тасдиқланган нашр рухсатномаси ҳамда 2022 йил 16 майдаги №89-05-27-сон маълумотномаси). Натижада, “Ландшафтшунослик (буюк сиймолар)” номли ўқув қўлланмасини нашр этиш имконини берган;

ландшафтшунослик фани ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва унинг йўналишларининг структурали баҳолаш бўйича натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston tarixi” телеканалда ландшафтшунослик фанининг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ кўрсатувлар яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат муассасасининг

2022 йил 6 апрелдаги №06-39-749-сон маълумотномаси). Натижада, “O’zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатиладиган “Такдимот” дастурида ландшафтшунослик фанининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш имконини берган;

Ўзбекистонда ландшафтшуносликнинг фан сифатида вужудга келиши ва ривожланишининг илмий жиҳатлари ва уни хронологик даврийлаштиришга оид натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston tarixi” телеканалида ландшафтшунос олимлар ҳаёти ва ижодини ёритиб беришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат муассасасининг 2022 йил 6 апрелдаги №06-39-749-сон маълумотномаси). Натижада, “O’zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатиладиган “Такдимот” дастурида ландшафтшунос олимлар ҳаёти ва ижодига оид кўрсатувларни яратиш имконини берган;

Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг муаммолари ва унинг истиқболлари бўйича ишлаб чиқилган илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялари “Ландшафтшунослик (буюк сиймолар)” номли ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи билан тасдиқланган нашр рухсатномаси ҳамда 2022 йил 16 майдаги №89-05-27-сон маълумотномаси). Натижада, 5140600-география бакалавр таълим йўналишидаги “Ландшафтшунослик” ва 5A140602-география магистратура мутахассислигидаги “Амалий ландшафтшунослик” фанларини мазмунан бойитиш ҳамда уларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган. Мавзуга доир 1 та ўқув қўлланма чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида бажарилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот

натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, муаллифнинг нашр этилган илмий ишлари ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Ландшафтшунослик фанига оид илмий ғояларнинг шаклланиши ва унинг методологик асоси”** бобида дастлаб, Ландшафтшунослик фанининг табиий географияда туганган ўрни, фан тарихини ўрганишнинг назарий ва методологик аҳамияти, фан тарихини ўрганиш масалалари кўриб чиқилган. Шундан сўнг асосий эътибор фан тарихини ўрганишнинг методологик асослари, фан тарихини ўрганилганлик даражасини аниқлашга қаратилган. Бобнинг якунида эса ландшафтшуносликнинг методологик масалалари аниқланган. Ландшафт табиатда моддий мавжуд бўлган жой, географик қобикнинг ажралмас кичик бўлаги бўлиб, у ўзининг негизи, ёши, чегарасига, ўзига хос ривожланиш қонуниятларига эга бўлган табиат комплекси. Ландшафтни ландшафтшунослик фани ўрганади. Бугун ландшафтшунослик инсон яшайдиган ва ўз хўжаликдаги фаолиятини олиб борадиган худудларнинг табиий шароитини, табиий компонентлари орасидаги ўзаро алоқадорликларни, ўзаро таъсирларни шу жумладан, инсон фаолиятининг таъсирини ҳам ўрганадиган фандир.

Ландшафтшунослик табиий география фанининг ривожланиш маҳсули, таҳлил ва синтез даражасига кўтарилган поғонасидир.

“Ландшафт” атамасининг туб мазмуни ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Бунга олимлар (А.Гумбольдт, Д.Н.Анучин, В.И.Вернадский, Л.С.Берг, И.П.Герасимов, А.А.Григорьев, С.В.Калесник, К.К.Марков, А.Г.Исаченко, А.Н.Нигматов, Ш.С.Зокиров, А.Абдулқосимов, С.Б.Аббасов, И.Қ.Назаров, Х.Р.Тошов) томонидан кўплаб фикрлар билдирилган. Соддароқ қилиб айтганда, ландшафт-табиий унсур (компонент)ларнинг модда ва энергия орқали ўзаро боғланган ва ривожланишга эга бўлган, айни макон ва замондаги бир бутун мажмуа (комплекс)дир. Ландшафтшуносликнинг асосий вазифаси ана шу мажмуаларни алоҳида қисмларини эмас, уларнинг бир бутунлигини, яъни уларга хос жараён ва қонуниятларни ўрганади.

Ландшафтни умумий тушунча деб ҳисоблайдиганлар айтганидек, ландшафт хоҳлаган табиий географик комплекс эмас, балки нисбатан бир хил табиий географик комплексдир. Яна бир асосий фарқи регионал бирликлар (табиий географик районлаштириш бирликлари) ландшафт деб ҳисобланмайди, улар ландшафтларни қонуний мажмуидир. Умуман олганда ландшафт ҳақида таълимотнинг пайдо бўлиши бир қанча босқичлардан иборатдир.

Ландшафт таълимотининг яратилиш босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

➤ Немис олимлари А.Гумбольдт ва А.Риттер ғоялари ландшафт ғоясининг вужудга келишида пойдевор вазифасини ўтаган. Улар табиатнинг жонли ва жонсиз қисмлари ўртасида ўзаро таъсир ва алоқадорликлар мавжудлигини, шу туфайли табиатни бир бутун деб ҳисоблашни, ундаги сабабий алоқадорликларни аниқлашни географиянинг асосий вазифаси деб

тушунганлар; А.Гумбольдт ўзининг “Космос” асарида хоҳлаган жой бир бутунликнинг (Ернинг, Коинотнинг) бўлагидир, дейди ва органик оламни жонсиз табиатга қарамли эканлигини қайд қилган. А.Гумбольдт ўз асарида ландшафтнинг “асосий” пойдевори бўлган-тупроқ ҳақида ёзмаган. Олим географик жараёнларни физика билан боғлаб тушунтирган. У даврда табиий география физиканинг бир қисми деб қаралган;

➤ XX асрнинг 30-йилларигача “Ландшафт ғояси”нинг методологик асослари сифатида немис олими А.Геттнернинг “хорологик концепция”си эътироф этилган. А.Геттнер эса географияни маконни нима ва қандай тўлдиришини ўрганадиган, яъни хорологик фан деб ҳисоблаган эди;

➤ XIX асрнинг 40-60 йилларидаги табиатнинг ўрганилиши ва табиий ҳудудий комплекслар ғояси пойдеворининг яратилиши. Бунда профессор Е.А.Эверсман, А.Ф.Миддендорф, Н.А.Северцов, П.П.Семёнов – Тянь-Шанский каби олимларнинг хизматлари катта бўлган. Таниқли олим А.Г.Исаченко “Табиий компонентларнинг муайян локал ёки регионал мажмуи сифатидаги табиий ҳудудий комплекс ҳақидаги тушунча ландшафтшуносликнинг асосини ҳосил қилди” деган эди.

➤ Ландшафтшунослик дастлабки вужудга келган даврда мамлакатшунослик деб қабул қилина бошлади ва бутун географияга даъво қилди. Аста-секин мамлакатшуносликдан табиий фанлар қаторига ўта бошлади. Бундай трансформация географияда фалсафий қайта қуришнинг авж олишига сабаб бўлди ҳамда оқибатда ландшафтшунослик ҳудудий табиатшунослик мақомини олди;

➤ Умуман олганда ландшафтшуносликдаги ғоялар эволюцияси қуйидаги босқичлардан иборат: Мамлакатшунослик (XX асрнинг бошларидан – 30 йилларгача) босқичи – типологик (XX асрнинг 30 – 40 йилларининг охиригача) босқич – регионал (XX асрнинг 40 йиллари охири – 50 йилларнинг ўрталаригача) босқич – умумий ландшафт (XX асрнинг 50 йилларнинг ўрталаридан – 60 йилларнинг охиригача) босқичи – тизимли (системалик) (XX асрнинг 60 йилларнинг охиридан) босқич.

Юқоридаги фикрларни асослаш учун кейинги бўлимларда ландшафт таълимоти пойдеворини яратилиши ва унинг асосланиши масалаларига муносабат билдириш зарурдир.

Диссертациянинг иккинчи **“Ландшафтшунослик фани ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва унинг йўналишлари”** боби дастлаб, ландшафтшунослик фанининг жаҳон, МДХ ва бошқа мамлакатлардаги ривожланишининг ҳозирги ҳолати, фаннинг олдида турган муаммолар, фаннинг назарий ва методологик асосларини бойитилганлигини, янги йўналишларнинг ҳолатини аниқлашга қаратилган. Бугунги кунда ландшафтшунослик бўйича бир қанча замонавий тадқиқот йўналишлари шаклланган бўлиб, ушбу йўналишларда мамлакатимизда қатор изланишлар олиб борилмоқда ҳамда муҳим натижаларга эришилган. Айниқса, географик ахборот тизимларини соҳага интенсив қўлланилиши тадқиқот натижаларининг оператив олинишига, ландшафт компонентларини ҳам алоҳида ҳам комплекс ўрганиш имкониятларини очиб берди. Мазкур

йўналишда Э.Ю.Сафаров, А.Нигматов, М.Матчанов, М.Султонов, З.Гафуров, Б.Мелиев ва бошқалар қатор тадқиқотларини олиб боришмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ландшафтларни тадқиқ этишда сифат кўрсаткичларидан миқдор кўрсаткичларига ўтиш жараёни ҳам тезлашмоқда. Бу ландшафтшуносликда математик методларни қўлланилиши билан боғлиқ. Албатта, ландшафтнинг алоҳида компонентлари, хусусан сув оқими ва иқлимни ўрганишда бу борада кўплаб ишлар амалга оширилган. Сўнгги вақтларда гидрология соҳасида Ф.Ҳикматов, Б.Аденбаев, Ғ.Юнусов ва бошқалар, иқлимшунослик бўйича эса В.Чуб, Б.Холматжанов, Ҳ.Эгамбердиев ва бошқаларни ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Аммо, комплекс ландшафт тадқиқотларида математик методларни қўллаш бироз орқада қолган. Шунини инобатга олиб, сўнгги йилларда комплекс ландшафт тадқиқотларида математик методларни қўллашга кучлироқ эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлиши кўрсатиб ўтилган. Бобнинг якунида эса ландшафтшуносликнинг методологик масалаларини мустаҳкамлаш, амалиёт билан алоқадорлигини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Бугунги кунда ҳам ҳар қандай фан кўзланган мақсадга эришиши учун ўзининг методологиясига эга бўлиши лозим. Ўзбекистонда ландшафтшунослик фани учун диалектика қонунлари, ландшафтлар ҳақидаги таълимот, геоэкологик қонуниятлар, бу борадаги халқаро дастурий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид қонун ва дастурий ҳужжатлари методологик асос бўлади.

Шунингдек, хориж ва мамлакатимизнинг табиий география, ландшафтшунослик соҳасида илмий-тадқиқотлар олиб борган олимларининг фани ўрганишга оид назарий ва услубий тадқиқотлари натижалари ҳам асос бўлади. Умуман, география фанлари методологияси масаласида фикр юритган мамлакатимизнинг аксарият (А.С.Солиев, Ш.С.Зокиров, И.Қ.Назаров, А.Н.Нигматов, Х.Р.Тошов ва б.) олимларининг мулоҳазалари буни тасдиқламоқда.

Ландшафтшунослик ўз ривожланиш тарихи давомида бир қанча алоҳида йўналишларни ўзида намоён қилди. Бу йўналишлардан биринчиси *таркибий-генетик йўналиш* ҳисобланади. Унинг намоёндалари асосан ландшафтларни аниқлаш, харитага киритиш, уларнинг компонентлари ва компонентлараро алоқадорликларини ҳамда ландшафтларнинг морфологик тузилиши ва морфологик қисмлараро ўзаро таъсир ва алоқадорликларни ўрганиш билан, яъни уларнинг вертикал ва горизантал тузилишини очиб бериш билан шуғулланганлар. Мамлакатимиз ландшафтшунослигидаги ушбу йўналиш ландшафтлар ўзига хос табиий географик комплекс сифатида ўздан кичикроқ бўлган комплекслар боғлампидан иборатдир, деган ғояга асосланади.

Ўзбекистон ландшафтшунослигидаги иккинчи илмий йўналиш бу *функционал-динамик йўналиш*дир. Бу йўналиш асосан XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб шакллана бошлади. Ушбу йўналишда олиб борилган

илмий изланишларнинг асосий мазмуни ландшафтларнинг вақт мобайнида ўзгаришига, ландшафтларнинг ўз функциясини, яъни мавжудлик фаолиятини бажариш жабҳаларига эътибор беришдан иборатдир.


Ўзбекистон ландшафтшунослигидаги янги йўналишлардан яна бири *системали ёндашишдир*. Ўз тадқиқот объектини система деб эътироф этиш ва уни тадқиқ қилишда системали ёндашиш ғоясининг табиий фанларга шу жумладан, табиий географияга ҳам кириб келиши, австриялик биолог олим Людвиг фон Берталанфи томонидан XX асрнинг 30-йилларида системалар умумий назариясининг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ бўлди. Бу назариянинг юзага келиши фанларнинг бўлиниб кетиши жараёнига қарама-қарши уларни битта умумий метод ёрдамида бирлаштириш масаласи билан боғлиқ эди. Ҳақиқатдан ҳам, системалар умумий назарияси алоҳида-алоҳида ҳодисаларни эмас, балки уларнинг системасини ўрганишни, системаларни бошқаришнинг тамойилларини белгилаш ва тадқиқот объектлари билан ўхшашликларини аниқлашни талаб қилади.

Диссертация ишининг учинчи боби **“Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг вужудга келиши, унинг муаммолари ва ва ривожланиш истиқболлари”** деб номланади. Мазкур бобда, Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг вужудга келиши бошқа давлатлардаги ландшафтшунослик ишлари билан чамбарчас боғлиқлиги ўрганилган. Улар эса, ўз навбатида, мазкур фан тараққиётининг даражаси билан аниқланади. Шу ҳолатни назарда тутиб, диссертация ишининг мазкур бобида асосий эътибор Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг вужудга келиши хусусиятларини ёритиш масалаларига қаратилди. Ландшафтшунослик фанининг тараққиёт тарихини ўрганиш жуда муҳимдир. Чунки бу фан кишилик жамиятининг амалий талабларига боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Маълумки, ландшафтшунослик табиий географиянинг муҳим таркибий қисми саналади. География бошқа фанлар қатори ўзининг ривожланиши давомида жуда кўп илмий назарий кашфиётларни қўлга киритган фандир. Шундай назарий кашфиётлардан бири ландшафт ҳақидаги таълимотнинг яратилиши, яъни табиатда инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат-"ландшафт"лар мавжудлигини кашф қилинишидир. Ландшафт ҳақидаги таълимот (ландшафтшунослик)ни географиянинг тармоқ фанлардан фарқи шуки, у ландшафтни таркибий қисмларининг барча хоссаларини эмас, балки ландшафтнинг бир бутунлиги хоссаларини ўрганади.

Жаҳонда ландшафтшунослик фанининг ривожланишида Германия ландшафт илмий мактаби (А.Геттнер, К.Троль, Г.Хаазе, З.Пассарге) олимларининг “ландшафт табиий-антропоген система” деган илмий хулосалари, Франция ландшафт илмий мактаби (Э.Реклю, Ж.Бертран, Ж.Вейбер, Ф.Бриссар) намоёндаларининг “Ландшафт эстетикаси ва дизайни” соҳасидаги қарашлари, АҚШ ландшафт илмий мактаби (Р.Чорли, Б.Кеннеди, К.Зауэр) олимларининг “Ландшафтни табиатдан фойдаланиш объекти, хўжалик йўналиши деган қарашлари асос бўлиб келган. Шунингдек, Россияда бир неча ландшафт илмий мактаблари шаклландики, улар бевосита

мамлакатимизда ландшафт илмий мактабларининг вужудга келишида катта роль ўйнади.

Демак, Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг вужудга келиши МДХ давлатларидаги ландшафтшунослик ишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Улар эса ўз навбатида, мазкур фан тараққиётининг даражаси билан аниқланади. Шу ҳолатни назарда тутиб, диссертациянинг мазкур бобида асосий эътибор Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омиллар, шулар қаторига кирадиган ландшафт илмий мактаблари фаолияти ва хусусиятларини ёритиш жуда зарурдир (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар**

Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг вужудга келишида сиёсий омиллардан бири мамлакатимизнинг собиқ Иттифоқ таркибида бўлиши билан боғлиқдир. Оқибатда, ватанимиз табиатини ўрганиш учун йирик экспедицияларнинг уюштирилиши, Ўрта Осиё университети (кейинчалик ТошДУ, ҳозирги ЎЗМУ)нинг очилиши, унда географияни фан сифатида ўқитилиши кабилар юзага келди.

Ўзбекистон ландшафтшунослигининг ривожланишида ўтган асрнинг 60-80 йиллари ва ундан кейинги ўн йилликлар катта из қолдирган. Бу даврда Ўзбекистонда (П.Ғуломов, М.Умаров, Ю.Султонов, А.Саидов, С.Нишонов, А.Абдулқосимов, Л.Алибеков, Т.Аллаберганов, Т.Жумабоев, А.Рафиқов, М.Қўзибоев, Ш.Эргешов, Ш.Зокиров ва бошқаларнинг) ландшафтшуносликка оид тадқиқотлар эътиборли бўлди. Шунингдек, Ҳ.Ваҳобов, И.Ҳасанов, С.Абдуллаев, Ю.Султонов, А.Зайнутдинов, И.Абдуғаниев, И.Назаровларнинг илмий хулосалари мазкур фанининг

ривожланишида муҳим бўлди. Юқоридаги ландшафтшунос олимларнинг ташаббускорлиги туфайли Тошкент, Фарғона ва Самарқандда ландшафтшунослик мактаблари шаклланди. Ўзбекистон ландшафтшунослик фанининг тараққиёти билан қизиққан киши бу фанда бир қатор илмий йўналишлар ҳосил бўлганлигига гувоҳ бўлади. Жумладан, етакчи олимлар томонидан ландшафтшуносликка бағишланган бир неча монографиялар эълон қилинган. 1966 йилда “Ўзбекистон ландшафтлари” номли тўплам М.Умаров муҳаррирлигида нашр этилган. Унда С.А.Нишонов, М.Умаров, А.Абдулқосимов, А.Саидов, М.Қўзибоев, Л.Алибеков сингари олимларнинг Ўзбекистонда ландшафт районлаштирилиши, ҳудудларда рўй берадиган табиий географик жараёнлар, ўзлаштириш масалалари ёритилган 7 та мақолалари ўрин олган.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида фаннинг назарий ва амалий асослари ривожлантирилди. Айниқса, амалий ландшафтшуносликнинг методологик асослари такомиллаштирилди.

Ўзбекистон ландшафтшунослик фанида мазкур фаннинг табиий география фанлар таснифида тугган ўрни, фаннинг тармоқланиши, ландшафтларни таснифлаш каби 10 дан ортиқ долзарб муаммолари мавжуд. Жумладан, Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг долзарб муаммолари бўйича мулоҳазалар юритган олимлардан бири Ш.С.Зокиров (1999, 2015, 2016) “Мамлакатимиз ландшафтларининг аниқ ва пухта тасниф жадвалини ишлаб чиқиш ландшафтшуносликнинг энг йирик масалаларидан биридир” деб қайд этган бўлса, И.Қ.Назаров (2013) эса “Ландшафтларни таснифлаш ва уларни номлаш бўйича фикрлар, ёндашувлар ҳанузгача ҳар хил, яъни тўхтамга келинган эмас” деб таъкидлаган эди.

Буларнинг асосий сабаблари ландшафтларнинг ўта мураккаб тузилганлиги, изланувчиларнинг бу масалага турли мақсад ва усуллар билан ёндашганлиги ва тадқиқотчилар “мактаби” ва илмий салоҳиятининг турли даражада эканлигидир (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ландшафтларни таснифлаш (систематикаси) бўйича мамлакатимиз олимлари томонидан таклиф қилинган типологик геокомплекслар бирликлари<sup>3</sup>

Н.А.Когай (1982)	Ш.С.Зокиров (1999)	И.Қ.Назаров, Х.Р.Тошов (2008)
1. Синф 2. Гуруҳ 3. Тип 4. Тур	1. Қисм 2. Синф 3. Кичик синф 4. Гуруҳ 5. Тур 6. Тоифа 7. Хил	1. Зона (чўл) 2. Синф 3. Кичик синф 4. Тип 5. Кичик тип 6. Тур

Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимларнинг кўпчилиги таниқли ландшафтшунос олимлар

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан И.Қ.Назаровнинг “География фанининг асосий муаммолари” ўқув қўлланмасидан кискартирилиб берилди.

Ф.Н.Мильков, В.А.Николаев, А.Г.Исаченколарнинг таснифларини қўллаб қувватлаб, такомиллаштириб келишмоқда.

Умуман олганда келажакда ресурсларни тўғри баҳолаш, улардан экологик жиҳатдан тўғри фойдаланиш, альтернатив ресурсларни босқичма-босқич қўллаш кўламини ошириб бориш ҳамда ресурс муаммоларини оптимал ҳал этиш айнан ландшафтшунослик фани вазифасига айланади десак тўғри бўлади.

Ландшафт доирасидаги бир компонент ландшафтнинг бошқа барча компонентлари таъсирида бўлади. Ландшафтнинг бир ресурсидан нотўғри фойдаланиш ундаги иккинчи ресурсга салбий таъсир кўрсатади. Демак, ландшафтни интеграл ресурс тимсоли ёки табиий ресурслар мажмуи деб тушунмоқ лозим.

Ландшафт ҳақидаги таълимот ландшафтларнинг табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш учун методологик асос бўла олади. Бу эса ўз навбатида шаклланаётган "ландшафтлар ресурсларшунослиги" илмий йўналишни ривожлантириш зарурлигини тақозо қилади. Мазкур йўналишдаги изланишларни ландшафтшунослик фанининг янги ривожланиш босқичи ва унинг пировард мақсади деб баҳолаш тўғри бўлади.

## ХУЛОСА

Ландшафтшуносликни Ўзбекистонда ривожланиши, тараққиёти ва истиқболларига доир олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги умумий хулосалар қилиш имконини берди:

1. Ландшафтшунослик фанининг ривожланишини ўрганиш шу нарсани ойдинлаштирдики, бу соҳада кўплаб асарлар ёзилганлиги, кўплаб тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамай, ҳали унинг назарий ва методологик масалалари бўйича бир тўхтамга келинмаган. Ландшафтшунослик тарихи фақат муаллифларнинг назарий қарашлари тарихи бўлиб келган, аксинча фан предметига айланмаган.

2. Ландшафтшунослик фанининг ривожланишини ўрганиш тадқиқотнинг асосий мақсади бўлиши учун биринчидан, ландшафт ғоясининг вужудга келиши жараёнларидаги тадқиқотлар пойдевор вазифасини ўташи, иккинчидан, уларнинг натижаларини фалсафий ва географик дунёқарашлар уйғунлиги билан таҳлил этилиши лозим. Бунинг учун ташқи ёки ижтимоий-иқтисодий омилларни ўрганиш ҳамда тафовут қилиш муҳим. Ландшафт таълимотининг эволюцияси табиий география фанининг ривожланишига таъсир кўрсатган омиллар натижасидир.

3. Ландшафтшунослик фани тарихи география фани тарихининг узвий давомидир. Шунинг учун ландшафтшуносликнинг вужудга келишида география фани тарихида рўй берган инқирозларнинг таъсири катта бўлган. Жумладан, XVIII аср ўрталаригача географиянинг предмети, мазмуни ва вазифалари тўғрисида аниқ бир тасаввур шаклланмаганлиги, фан таназзули географиянинг "тасвирий босқичи" тугаши билан (И.М.Забелин бўйича), география фанида рўй берган дифференциацияни авж олиши кабилар сабаб қилиб кўрсатилган.

4. Географ олимлар XIX асрни “табий фанлар асри” - деб эътироф этишган. Бу даврда география фанидан ташқари бир неча фанлар, жумладан геология, иқлимшунослик, ботаника, зоология, тупроқшунослик кабилар ажралиб, мустақил фан сифатида шаклланди. Бу асрнинг сўнгги ўн йилликларидан бошлаб, ландшафтшуносликнинг назарий ғояси – ландшафт таълимотининг пойдевори яратила бошланган. Табиатнинг бир бутунлиги, зоналик, “хорологик концепция”, тупроқ ва ўрмон ҳақидаги таълимотлар ландшафт таълимотининг асоси бўлиб хизмат қилди.

5. Ландшафтшунослик фанининг вужудга келганига 130 йилдан, Ўзбекистонда эса салкам 60 йилдан ошди. Шу даврлар давомида унда бир қатор илмий назариялар шаклланди, улар кейинчалик муҳим илмий йўналишлар, айримлари эса янги фан тармоқлари сифатида шаклланди, ривожланди ва такомиллашди. Натижада анъанавий ва замонавий ландшафтшунослик каби тушунчалар оммалашди. Замонавий ландшафтшуносликнинг бошланиши XX асрнинг 60-йиллари ўрталарига тўғри келади. Ландшафтшунослик мустақил фан сифатида дастлаб геоморфология, биогеография, гидрология, иқлимшунослик каби фанлар билан бир қатордан ўрин олган.

6. Ландшафтшуносликнинг ўрганиш объекти Ернинг ландшафт сфераси бўлиб, у географик қобикнинг Ер юзасига жуда яқин бўлган, литосфера, атмосфера, гидросфера бевосита туташган, улар ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқадорликлар кучайган, энергия ва модда алмашилиши юқори даражада бўлган, органик ҳаётга асосий макон бўлган қисмида ташкил топган. Унинг қалинлиги нисбатан катта эмас, остки чегарасини одатда гиперген жараёнлар кириб бора оладиган қатламлар остидан, устки чегарани эса ўсимлик қоплами устидан ўтказишади. Бу ҳолда ландшафт сфераси географиянинг ўрганиш объекти географик қобикнинг ўрталиқ қисмини эгаллайди.

7. Ўзбекистон ландшафтшунослигида ландшафт изланишларининг типологик, регионал ва умумий тушунча сифатида талқин этилганлигини эътироф этиш мумкин. Воронеж, Москва, Санкт-Петербург, Львов ландшафт мактаблари тажрибаларини Ўзбекистон ҳудудида тадбиқ этилиши Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа ландшафт мактаблари вужудга келишига ва ривожланишига олиб келди. Ўзбекистон ландшафтшуносларининг ландшафтларни таснифлаш тажрибалари Қарши дашти (И.Ҳасанов), Жанубий Оролбўйи (А.Рафиқов, И.Ҳасанов), Турон провинцияси текисликлари (Н.А.Когай, Ш.С.Зокиров), Амударё ва Сирдарё этаклари оралиғи (Ш.С.Зокиров), Фарғона ботиғи (А.Абдулқосимов), Қашқадарё водийси (С.А.Нишонов), Ўрта Зарафшон (А.Саидов), Қизилқум (С.Б.Аббосов), Бухоро вилояти чўл зонаси (Х.Р.Тошов) Орол табиий географик округи (Р.Ибрагимова) ландшафтлари мисолида ижобий натижалар берди.

8. Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг асосий муаммоларини шартли равишда икки қисм – назарий ландшафтшунослик ва амалий ландшафтшунослик муаммоларига ажратиш мумкин. Уларга ландшафтшуносликнинг назарий методологик масалаларидан, ландшафтнинг структураси, динамикаси, ривожланиши, ёши, ташқи таъсирларга

барқарорлиги, ландшафтларни моделлаштириш, экспериментал ландшафтшунослик масалалари мисол бўлади. Мазкур муаммолар ландшафтшунос олимлар А.Абдулқосимов, А.Рафиқов, Ш.С.Зокиров, Ҳ.Ваҳобов, И.Қ.Назаров, А.Н.Нигматов, А.К.Уразбаев, А.Рахматуллаев, С.Б.Аббасов, К.Боймирзаев, А.А.Ҳамидов, А.Соатов, С.Абдуллаев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўрсатиб ўтилган. Жумладан, И.Қ.Назаров ва Х.Р.Тошовлар мантикий диалектик асосга таянган ҳолда таҳлил қилиб, ландшафтларни таснифлаш birlikларини географияга ёндош бўлган тупроқшунослик, чўлшунослик фанларидаги мазмундош ва номдош тушунча ва атамалар билан уйғунлаштириб, ландшафтшуносликдаги қатор чалкашликларни тугатиш мумкин, деб ҳисобласалар, А.Абдулқосимов ва С.Аббасовлар антропоген ландшафтшуносликнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий географиянинг ҳам тадқиқот объекти битта деб кўрсатиб ўтишган.

9. Амалий ландшафтшуносликнинг туб моҳияти халқ хўжалигининг турли хил амалий масалаларини ҳал этишда ландшафт ҳақидаги таълимотнинг назарий тамойиллари ва усулларида фойдаланиш ва тадбиқ этишдан иборатдир. Антропоген ландшафтшуносликда қўлланилиб келинаётган “маданий ландшафт” атамаси кейинги вақтларда амалий ландшафтшуносликдаги тегишли илмий ишларда асосий мақсадни акс эттирган. Етакчи олимлар маданий ландшафтларни бунёд этишнинг илмий асосларини амалий ландшафтшунослик ишлаб бериши керак деб ҳулосалаганлар.

10. Мамлакатимизда миллий ландшафтшуносликнинг назарий ва амалий пойдеворларини янада мустаҳкамлаш масалаларини тўла-тўқис яратиш учун шунингдек, олимларимизнинг салоҳиятли, залворли умумэтироф этиладиган илмий (кашфиётлар) янгиликларни яратишларида асос бўладиган минтақавий (тоғ (Тошкент, Фарғона), тоғ олди (Самарқанд, Сурхондарё), чўл (Бухоро, Нукус) ландшафт) стационар ва ярим стационар изланишларни ташкил этиш бу соҳадаги назарий ва амалий ишларни тубдан яхшилашга хизмат қилади. Пировардида география фанининг жамият олдидаги бурчини бажаришида кенг имкониятлар яратади.

11. Ўзбекистонда ландшафтшунослик фанининг ривожланиш истиқболлари қуйидаги йўналишларда: парадинамик ландшафт комплекслари йўналиши, таркибий-генетик йўналиш, функционал-динамик, системали ёндашиш, ландшафтлар ресурсшунослиги, геокимё ва геофизика йўналиши, ландшафтлар кадастри, ландшафтларни баҳолаш ва башоратлаш, ландшафтлар мониторинги йўналишларида амалга оширилиши ва жадаллаштирилиши зарур ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2021.GR.02.07  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИМЕНИ ШАРАФА РАШИДОВА**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЭРГАШЕВА МАВЖУДА КОМИЛЖОНОВНА**

**ЛАНДШАФТОВЕДЕНИЕ И ЕГО РАЗВИТИЕ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**11.00.01 – Физическая география**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В.2019.2.PhD/Gr93.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета ([www.camdu.uz](http://www.camdu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz).

**Научный руководитель:**

**Тошов Худойназар Рамазонович**  
кандидат географических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович**  
доктор географических наук

**Ҳамидов Абдусамат Абдумаликович**  
кандидат географических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете имени Шарафа Рашидова. (Адрес: 140104, г. Самарканд, ул. Муками, 45. Тел.: (95) 410-20-10, факс: (0366) 239-19-36; E-mail: [ik-geografiya2019@mail.ru](mailto:ik-geografiya2019@mail.ru). Факультет географии и экологии Самаркандского государственного университета).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за № \_\_\_\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 233-60-87.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).



**С.Б.Аббасов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.г.н., профессор

**Б.А.Мелиев**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.г.н. (PhD)

**А.Абдулқосимов**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.г.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы исследования.** Достижения географических наук, в том числе науки ландшафтоведение, в обеспечении населения планеты природными ресурсами несравнимы. Основной причиной такого, положения заключается в возрастании различных техногенных рисков, в связи с усилением воздействия на окружающую среду при использовании природных ресурсов. Международные организации уделяют особое внимание борьбе с этими проблемами. В частности, на решение поставленных задач направлены 4-я цель программы ООН по Устойчивому развитию до 2030 года «качественное образование» и 17-я цель «сотрудничество на пути устойчивого развития...».<sup>4</sup> Среди этих задач, особой проблемой учёными признается изучение истории науки, и в рамках этой проблемы периодизация истории ландшафтоведения, на основе новых подходов требуется глубокий анализ факторов, влияющих на ее развитие в каждый период.

В глобальном масштабе особое внимание уделяется символам (атрибутам), объекту и предмету, теории и методологии, понятиям и принципам, природных условий территорий проживания и ведения хозяйственной деятельности людей, взаимосвязей между природными компонентами, взаимодействия науки ландшафтоведения, в том числе работам по оценке воздействия деятельности человека. В связи с этим знанию его истории уделяется приоритетное внимание, чтобы оценить современное состояние ландшафтоведения и спрогнозировать его дальнейшее развитие.

В нашей республике проводятся масштабные реформы по изданию современной литературы, которая отражает науку ландшафтоведение и историю ее развития, и в этом отношении достигнуты существенные результаты. Стратегия развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы и 80-я цель «проекта Президента Республики Узбекистан, предусматривающая утверждение дорожной карты» по ее реализации в 2022 году, ставят важные задачи в реализации общенационального проекта «Зеленое пространство».<sup>5</sup> В связи с этим, в том числе, особое значение имеет охрана природы, рациональное использование природных ресурсов, знаний касательно науки ландшафтоведения.

Данная диссертация служит выполнению задач определённых в Указе Президента Республики Узбекистан УП-№60 от 8 января 2022 года «О Стратегии развития развития на 2022-2026 гг.», Постановлений Президента Республики Узбекистан за ПП-№5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды», ПП-№5742 от 17 июня 2019 года «О мерах по эффективному использованию земельных и водных

---

<sup>4</sup>Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 год// электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

<sup>5</sup>Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», утвержденный Указом Президента Республики Узбекистан от 8 января 2022 года № УП-60

ресурсов в сельском хозяйстве, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №841 от 20 октября 2018 года “О мерах по осуществлению национальных целей и задач в сфере Устойчивого развития до 2030 года”, в том числе и других нормативно-правовых документов.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды» и VIII. «Науки о Земле».

**Степень изученности проблемы.** Научные сведения об истории ландшафтоведения освещены в научных исследованиях зарубежных ученых О.Пешели (1879), А.Гетнера (1905), Р.Джеймса (1972), Г.Хаазе (1973, 1981), Д.Г.Харвея (1974), Я.Демека (1977), русских ученых А.А.Григорьева (1930, 1948), Н.А.Солнцева (1948, 1962), И.М.Забелина (1949, 1959, 1978), В.Л.Котельникова (1950), Ф.Н.Милькова (1959, 1967, 1986, 1990), С.В.Калесника (1961, 1972), Ю.К.Ефремова (1964, 1987), В.И.Прокаева (1973), Э.Неефа (1974), Ю.Г.Саушкина (1976, 1980), В.С.Преображенского (1972, 1981, 1986, 1988, 1997), А.Г.Исаченко (1976, 1982, 1991, 2004, 2006), З.В.Макарова (1977), Н.Г.Суховой (1981), А.Ю.Ретеюма (1985, 1997), И.И.Мамая (2008), К.Н.Дьяконова (2014), отечественных географов В.М.Четыркина (1947), А.Абдулкасимова (1983, 2017), Р.У.Рахимбекова (1995), Ш.С.Зокирова (1999, 2011), С.Б.Аббасова (2002, 2017), Х.Вахобова (2006), Х.Р.Тошова (2013, 2016, 2021) и ряда других.

Теоретико-методологические вопросы ландшафтоведения встречаются в научных исследованиях таких ученых стран СНГ, как Н.А.Солнцев, Н.А.Гвоздецкий, В.А.Николаев, В.Б.Сочава, Ф.Н.Мильков, Б.Б.Полинов, Д.Л.Арманд, Ю.К.Ефремов, В.И.Прокаев, А.Г.Исаченко и узбекских ученых, как В.М.Четыркин, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.Абдулкасимов, Ш.С.Зокиров, Л.Алибеков, С.Б.Аббасов, Х.Вахобов, А.Рахматуллаев, А.Н.Нигматов, Ю.Султонов, И.К.Назаров, Х.Р.Тошов.

